

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САРИМОВА ДИЛДОРА СОАТАЛИЕВНА

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА КИМЁ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Саримова Дилдора Соаталиевна

Малака ошириш тизимида кимё ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштириш.....3

Саримова Дилдора Соаталиевна

Совершенствование компетенций учителей химии по использованию информационно-коммуникационных технологий в системе повышения квалификации.....19

Sarimova Dildora Soataliyevna

Perfecting the competencies of chemistry teachers on the use of information and communication technologies in the system of advanced training.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ39
List of published works

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САРИМОВА ДИЛДОРА СОАТАЛИЕВНА

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА КИМЁ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Ped1671 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzicps.uz) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна,
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Элмурадов Бурхон Жураевич,
кимё фанлари доктори, профессор

Суяров Кушарбай Ташбаевич,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори PhD,
доцент в.б..

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети.

Диссертация химояси Ўсимлик моддалари кимёси институти хузуридаги DSc.02/30.01.2020.K/T.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш. Сағдуллаев

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси т.ф.д, профессор

Н.К. Хидирова

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий Кенгаш илмий котиби, к.ф.н., катта
илмий ходим

Д.Т. Асилбекова

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари к.ф.д., катта илмий ходим

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ёшларга таълим бериш, хусусан, аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш, ўқитиш тизимининг амалий-татбиқий мазмунини бойитиш, ўқувчиларга билим бериш асносида педагогларда касбий компетенцияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Табиий фанларни ўқитишга таълим муассасаларида қўйилаётган ижтимоий ҳамда ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолашнинг PISA, TIMSS каби халқаро дастурлари талаблари фанни ахборот-коммуникацияларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш методикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бу эса ўқитувчиларнинг табиий фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенциясини ривожлантириш масаласининг муҳимлигини белгилашга имкон беради.

Дунё ҳамжамияти томонидан табиий фанларни ўқитишга таълим муассасаларида қўйилаётган ижтимоий ҳамда ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолашнинг халқаро тизими талабларга мос таълим олувчиларнинг мантиқий фикрлаши, ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш мақсадида ижодий ёндашувга устуворлик берилаётганлиги, яъни ўқувчиларнинг илмий тафаккурини ривожлантириш, мантиқий кетма-кетлиги ва изчиллигини таъминлаш бўйича тадқиқотларни олиб боришни тақозо этмоқда. Хусусан, кимё ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, уларнинг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларини замонавий интеграциялар асосида такомиллаштириш, кимё ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида даврий ва узлуксиз методик тайёргарлигини ошириш технологияларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда таълим тизими барқарор тараққиётни таъминлаш борасида “...узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш”¹, “Таълим тўғрисидаги” Қонуннинг² қабул қилиниши ҳамда “Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарорининг³ қабул қилинишини таълим тизимидаги ижобий ислоҳотлар сифатида қараш мумкин. Шунингдек, шу жамиятда яшаётган фуқароларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш устувор вазифа этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. ПФ-5712-сон 29.04.2019. <https://lex.uz/docs/4312785>.

² Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон). <https://www.lex.uz/docs/1164442?ONDATE=24.09.2020>.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.10.2020 йилдаги 646-сонли “Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz/docs/5044726>

стратегияси тўғрисида”ги Фармони⁴, 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3289-сонли Қарори⁵, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ошириш ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805 сонли Қарорига⁶ асосан ва ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда таълим жараёнини такомиллаштиришга доир белгилаб берилган вазифаларни ҳал этишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг ИТД-1 “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик олим F. Amiri ўқитувчиларнинг педагогик дастурлардан самарали фойдаланиши, Z. Tatli ва A. Ayas томонидан таълим жараёнига фан модули асосида яратилган электрон ўқув қўлланмаларни татбиқ этилишининг аҳамиятлилик даражаси юқори эканлиги асослаб берилган. Медиатаълим назарияси ва амалиёти, фан соҳаларини ўқитишда интерфаол методлар ва интеллектуал ўйин технологияларидан фойдаланишга оид тадқиқотлар S. Goodman, R. Kozma, M.K. Clemence, L. Masterman, L. Henderson, J. Klemes томонидан амалга оширилган.

МДХ мамлакатларида мактаб кимё экспериментининг ташкилий-техникавий такомиллашуви билан боғлиқ илмий-методик муаммолар ҳамда малака ошириш шароитида педагогларда ахборот компетентлигини ривожлантириш масалалари бўйича Т.Н. Лукина, А.М. Иванов, А.А. Темирбекова, Т.П. Третьякова, Т.Ж. Базаржапова, А.Л. Миллер, М.А. Горюнова каби олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Республикамизда таълим тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-методик ва педагогик шарт-шароитларини ўрганиш, кимё ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ривожлантириш методикаси юзасидан А.С. Азимов, Ҳ.Т. Омоновнинг тадқиқот ишларида; педагог ходимларнинг малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш, педагог кадрларни касбий жиҳатдан қайта тайёрлаш жараёнини ташкил этишга қўйилаётган ижтимоий-педагогик талаблар, малака ошириш жараёнининг ташкилий педагогик ва методик шарт-шароитлари масалалари Ж.Ф. Йўлдошев, А.К. Аминов, З.А. Артикбаева, Ш.Қ. Мардонов, А.А. Гулбоев, К. Зарипов, М.Т. Жуманиёзова ва бошқа олимларнинг ишларида ўрганилган. А.А. Абдуқодиров, У.Ш. Бегимкулов, Г.С. Эргашева, Т.Л. Зайлобов,

⁴ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. ПФ-4947-сон 07.02.2017. <https://lex.uz/docs/3107036>.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги. ПҚ-3289-сон қарори 26.09.2017. <https://lex.uz/docs/3357530>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ошириш ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805-сон қарори 12.08.2020. <https://lex.uz/ru/docs/4945470>.

Р.Ш. Аҳлидинов томонидан таълим муассасаларида ўқитишнинг техник воситалари ва АКТнинг таълим тизимида қўлланилиши самарадорлиги бўйича муаммонинг амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Ҳ.О. Жўраев, И.А. Эшматов ва бошқалар томонидан педагог кадрларнинг малакасини ошириш шароитида ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни, педагогларнинг касбий маҳоратини оширишда ахборот-коммуникатив компетентликка эга бўлишнинг аҳамиятли жиҳатлари таҳлил этилган.

Илмий адабиётлар таҳлиliga кўра, бугунги кундаги таълим мазмунини такомиллаштириш ва уни ўқитишга компетенциявий ёндашув заруратидан келиб чиқиб, малака ошириш тизимида кимё ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларни ривожлантириш масаласи педагогик муаммо сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш бош стратегиясида тасдиқланган “Узлуксиз таълим тизимида кимё фани ва уни ўқитиш методикасини такомиллаштириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: малака ошириш тизимида кимё ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда таълимий, методик ва умумилмий компетенцияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштиришнинг педагогик жиҳатларини педагогик муаммо сифатида ўрганиш;

малака ошириш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда таълимий, методик ва умумилмий компетенцияларни такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш;

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг методик таъминотини такомиллаштириш асосида кимё ўқитувчиларининг компетентлигини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш;

методик ва умумилмий компетенцияларга таянган ҳолда кимёвий жараёнларни намоиш этиш бўйича таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва амалиётига татбиқ этиш ҳамда уларнинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштириш методик тизимини шакллантириш жараёни белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети малака ошириш тизимида кимё ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштиришнинг шакли, воситаси ва йўллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишининг вазифаларини бажариш, ишнинг мақсади, объекти, предметидан келиб чиқиб, *назарий методлар* (мавзуга оид илмий-методик адабиётлар таҳлили, малака ошириш шароитида

тингловчиларга тақдим этилган фан дастурларини таҳлили, хорижий ва маҳаллий педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш), *эмпирик* (кимё фани ўқитувчилари билан суҳбат, анкета сўровномалар, тренинг машғулотлар ва тажриба-синов ишларини ўтказиш, маълумотларни тизимлаштириш), *математик* (сифатий таҳлил, χ^2 - Пирсон критерияси) статистик қайта ишлаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

малака ошириш жараёнида таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қўйилган (замонавийлик, ахборотлилик, компетенциявий) талаблар асосида педагогларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-педагогик жиҳатлари асосланган;

малака ошириш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг методик компонентлари ўқитувчиларнинг фаолиятли муносабатини (субъектда фаоллик, мотивация, ўзаро ҳамкорлик, ўз-ўзини ривожлантириш) яратиш ҳамда таълимий компонентларни (муаммоли ўрганиш, рефлексив, лойиҳа методи) оптималлаштириш модели асосида такомиллаштирилган;

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида кимё ўқитувчиларининг компетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминоти (мотивацион, когнитив, креатив ва фаолиятли-рефлексив) босқичларига ва тамойилларига (психологик–педагогик, дидактик, технологик, ташкилий-коммуникатив) устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

кимёвий жараёнларни намоёни этиш бўйича таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш методикаси муҳим (таълимий, методик, умумилмий) компетенцияларга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кимё фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёни самарадорлигини оширишда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг самарадорлик даражалари кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича электрон методик қўлланма яратилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

кимё фани ўқитувчиларининг малака ошириш жараёни самарадорлигини оширишда компьютер дастурларидан фойдаланишда камёб ва қимматли реактивларни муқобили билан алмаштириш, кимёвий экспериментнинг билиш жараёнидаги ўрганиш объекти, текшириш (тадқиқот, қисман изланувчан) методларини қўллаш асосида, янги билимлар манбаи ва воситаси тарзидаги таълим жараёнининг сифат ва самарадорлиги оширилган.

Малака ошириш жараёнини такомиллаштиришда “Кимё” фанидан “Мутахассислик фани”ни ўқитишда “Кимё фанини ўқитиш назарияси ва методикаси”, “Кимё фанини ўқитишда ахборот технологиялари”, “Кимё фанини ўқитишда замонавий ёндашув ва инновациялар” модули таркибига киритилган ва таълим амалиётига тавсия этилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг 22 май 2018 йил 02/6-109 сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган назарий маълумотлар ва методлар ишончли манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

диссертациянинг илмий аҳамияти малака ошириш жараёнида кимё фани ўқитувчиларини ўқитишда кимёвий экспериментни ахборот технологиялари асосида такомиллаштиришга қаратилган педагогик муаммоларнинг илмий асосланганлиги, малака ошириш жараёнида компьютер дастурлари асосида фанни ўргатишнинг аҳамияти, зарурияти очиб берилганлиги ҳамда тадқиқотда илгари сурилган концептуал ғоялардан кимёни ўқитиш методикаси бўйича тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади;

тадқиқотнинг амалий аҳамияти таклиф этилган ёндашувлар малака ошириш жараёнида “Мутахассислик фани” модулини ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқув дастурлари, электрон методик қўлланмалар, тингловчиларнинг амалий кўникмасини шакллантириш, педагогик-психологик фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилишида ўз аксини топади. Кимёвий экспериментни ташкил этиш ва такомиллаштириш борасида кимё фани ўқитувчилари учун ишлаб чиқилган электрон таълим ресурслар ва тавсиялар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малака ошириш жараёнида кимё фани ўқитувчиларини ўқитишда кимёвий экспериментни ахборот технологиялари асосида такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

малака ошириш жараёнида таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қўйилган (замонавийлик, ахборотлилик, компетенциявий) талаблар асосида педагогларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказларида ўқув жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 13 августдаги 02-02/4-406-сон маълумотномаси). Натижада, кимё ўқитувчилари касбий компетентлигининг ошишига эришилган;

малака ошириш жараёнида педагоглар ахборот коммуникатив компетентлигини шакллантириш модели ўқитувчиларнинг фаолиятли муносабатини (субъектда фаоллик, мотивация, ўзаро ҳамкорлик, ўз-ўзини ривожлантириш) яратиш ҳамда таълимий компонентларни оптималлаштириш асосида махсус (касбга йўналтирилган билимлар ва кўникмалар объектив ва предметли йўналишини акс эттириш) компетенциялари ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 13 августдаги 02-02/4-406-сон маълумотномаси). Натижада, малака ошириш курсларида таълим самарадорлигини ошириш имкони яратилган;

малака ошириш курсларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш методик таъминотини такомиллаштириш, кимё ўқитувчилари

компетентлигини ривожлантириш (мотивацион, когнитив, креатив ва фаолиятли-рефлексив) методикаларига устуворлик бериш бўйича тавсиялардан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг 22 май 2018 йил 02/6-109 сон маълумотномаси). Натижада, педагогларда таълимий, методик ва умумилмий компетенциялар асосида АКТдан фойдаланиш кўникмаларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган;

умумилмий (янги билимлар, технологиялар, олинган маълумотларни қайта ишлаш, таҳлилий-умумлаштириш фаолиятига йўналтирилганлик) компетенцияларга таянган ҳолда тайёрланган “Кимё фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси” номли методик қўлланмаси, “Кимё фани ўқитувчиларининг ижодкорлигини оширишда Flash MX дастуридан фойдаланиш”, “Лаборатория шароитида керакли моддаларни ҳосил қилиш ва ажратиб олиш”, “Кимёвий экспериментни ташкил этиш” электрон таълим ресурси амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 13 августдаги 02-02/4-406-сон маълумотномаси). Мазкур қўлланмаларнинг яратилиши малака ошириш курслари тингловчиларининг АКТ компетенцияларини ривожлантириш имконини берган. Мазкур қўлланмалардан малака ошириш жараёнида фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 19 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 32 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан, ЎзР ОАК томонидан эътироф этилган журналларда 9 та мақола (6 та республика, 3 та халқаро микёсда), Республика ва хорижий илмий анжуманлар тўпламларида 19 та мақола тезислари нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўқитувчиларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича компетенцияларни такомиллаштиришнинг педагогик жиҳатлари”** номли биринчи бобида малака ошириш жараёнида ўқитувчиларга қўйилган талаблар ва ўқитиш воситаларини уйғунлаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари, ўқитувчиларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетентлиги ҳамда табиий йўналишлардаги тингловчиларга ахборот-коммуникация технологиялар

Ўқитилишининг дастурий таъминоти ҳамда бу борадаги диссертация ишлари таҳлил қилинган.

Республикада узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, таълим муассасалари моддий-техник базасини мустахкамлаш, уларни замонавий моддий-техник ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) билан таъминлаш, ўқитишнинг интерфаол методларини ўқув жараёнига қўллаш ҳамда таълим муассасаларида компетент кадрларнинг фаолият олиб бориши масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш ва давр талабига мувофиқ фаолият юритишлари учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратишда халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказлари ҳамда уларни қайта тайёрлаш тизими алоҳида аҳамиятга эга.

Малака ошириш тизими самарасини оширишга шароитларни яратиш юзасидан таълим соҳасида қабул қилинган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (Президент Фармонлари, Президент Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари) методологик асос сифатида ўрганилди.

Малака оширишда тингловчиларга берилаётган таълим мазмунини танлашда ўқитувчининг касбий маҳоратини ошириш борасида Республикада олимлари Ж.Ф.Йўлдошев, А.Т.Гулбоев, А.К.Аминов, К.Зариповлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида малака оширишда тингловчиларга берилаётган таълим мазмунини танлашда ўқитувчининг касбий маҳорати ҳамда мутахассислик йўналишини асос қилиб олиш муҳимлиги уқтирилган бўлса, А.А.Темирбекова, Т.Н.Лукина, А.М.Иванов, Т.Ж.Базаржапова, А.Л.Миллер, М.А.Горюнова ва И.А.Эшматовнинг тадқиқот ишлари малака ошириш шароитида педагоглар ахборот коммуникатив компетентлигини шакллантиришнинг шакл ва усуллари ўрганилган. Республикада таълим тизимига компетенциявий ёндашув қўллаш борасида У.И.Иноятов, Б.Х.Ходжаев, Б.С.Абдуллаева, Н.Ш.Турдиев, Ж.Э.Ўсаров, А.Халиков, А.Т.Қўлдашев, Р.Қ.Одинаев, Д.Хидоятваларнинг ишлари ўрганилди.

У.И.Иноятов ва Б.Х.Ходжаевларнинг тадқиқот ишида умумий ўрта таълимни модернизациялаш шароитида компетент ёндашувни янги педагогик воқелик деб, Б.С.Абдуллаеванинг тадқиқот ишида ўқитувчиларнинг ахборот компетентлиги касбий компетентлигининг зарурий ташкил этувчиси сифатида қаралган. Мазкур ёндашув доирасида амалий фаолият тажрибаси, компетенция ва компетентлик дидактик бирликлар сифатида қаралган ҳамда таълимнинг анъанавий уч элементи (триада) - “Билим - Кўникма - Малака” олтига бирлик (секстет) - “Билим - Кўникма - Малака - Амалий фаолият тажрибаси - Компетенция - Компетентлик” тарзида таҳлил қилинган.

Ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштиришнинг муаммосини ҳал этишда У.И.Иноятов, Б.Х.Ходжаев, Б.С.Абдуллаеванинг қарашлари илмий тадқиқот ишимизга асос қилиб олинган.

Адабиётлар таҳлили асосида малака ошириш тизимида ўқитувчиларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари ойдинлаштирилди:

- ўқитувчиларнинг касбий фаолиятига бевосита алоқадор бўлган (таълимий, методик, умумилмий каби) компетенцияларни шакллантириш жараёнини илмий асосланган ҳолда ташкил этиш;

- объект ва субъект ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик;

- маълумотлар билан ишлашда субъектда фаолликни ошириш;

- ўқитувчида ахборот муҳитидан маълумотларни олишга бўлган муносабатни фаоллаштириш (мотивация бериш);


- ўқитувчида касбий фаолиятига оид ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари бўйича мониторинг ўтказиб бориш.

Диссертациянинг **“Малака ошириш жараёнида кимё ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштириш методикаси”** номли иккинчи боби ўқитувчиларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштиришнинг назарий асослари ва унинг моделини ишлаб чиқиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш тамойиллари, кимё фанини ўқитишда медиатаълимни ўқув-тарбия жараёнининг мазмунига киритиш ва уни кимё таълими йўналиши билан бирлаштириш йўллари, усуллари ишлаб чиқиш зарурати ёритилган.

Олиб борилган тадқиқотимизнинг вазифасига кўра малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштиришнинг педагогик жиҳатлари педагогик муаммо сифатида ўрганилди ва “Малака ошириш жараёнида ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштириш” модели ишлаб чиқилган (1-расм).

Малака ошириш жараёнида тингловчиларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг психологик–педагогик (малака оширишга манфаатдорлик, изланиш фаоллиги, мослашиш, ўзининг олиб бораётган фаолиятини баҳолаш), дидактик (тизимлилик, илмийлик, кўргазмалилик, назария ва амалиёт ўртасидаги алоқадорлик), ташкилий-коммуникатив каби тамойиллар ўрганилди. Жумладан, ахборот коммуникация технологияси бўйича олиб борилаётган дарс машғулотларини ташкил этишда *тизимлилик тамойили*, бир томондан, дидактик, бошқа томондан, таълим соҳаларида АКТ ни ўқитиш методикасини белгилаб беради. Ахборот-коммуникация технологияси асосларини ўқитишга бўлган тизимли ёндашув асосида педагогда фасилитатор, тьютор, медиапедагог каби сифатлар шаклланганлигини кўрсатувчи баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Педагогда умумилмий компетенциялар шаклланганда улардаги *когнитив* (билиш, ўрганиш) сифатлар – мутахассислик фанига оид билимлар, ҳодиса ва жараёнларга нисбатан ўз фикрини ойдинлаштириб олиш кўникмасига эришганлик; *креатив* (ижодий) сифатлар – фантазия, зиддиятларга зийраклик, ҳаракатларнинг эркинлиги, башоарат қила олиш, ўз фикрининг мавжудлиги ва ҳоказолар; *ташкилий-фаолиятли* (методик) сифатлар – ўқув фаолияти мақсадини англаш салоҳияти ва уларни изоҳлаш кўникмаси, мақсадни белгилаш ва унга эришиш кўникмаси, фаолиятга оид меъёр яратиш салоҳияти, ҳиссий тафаккур, ўзининг педагогик фаолиятини таҳлил қилиш ва уни баҳолаш кабилар ҳамда



1-расм. Малака ошириш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенциясини такомиллаштириш модели

коммуникатив сифатлар ахборотни излаб топиш, ўзининг иш фаолиятига тегишли бўлган маълумотларни қайта ишлаш ёки ўзгартириш, тайёрланган маълумотни

истеъмолчига (ўқувчига) бериш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан (электрон почта, интернет) фойдаланиш каби кўрсаткичлар бўйича аниқланди. Мазкур бобда тадқиқотчи томонидан кимёвий ҳодиса ва жараёнларни АКТ ёрдамида таълим ресурсларининг ишлаб чиқиш имкониятлари тавсифланди ҳамда улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш методикаси келтирилган.

Жумладан, АКТ имкониятларидан фойдаланган ҳолда ва Macromedia Flash MX дастури ёрдамида кимёвий экспериментлар ўтказиш жараёнининг тажриба майдони 2- расмда келтирилган.



2-расм. Macromedia Flash MX дастури асосида яратилган тажриба майдонининг кўриниши

Дастурдан фойдаланиш қулай ва уни ўзлаштириш мураккаб эмас. Дастурда лаборатория ишлари ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш учун турли ҳаракатли чизмалардан фойдаланиш билан бирга, жараёнларни овоз ҳамда формулалар билан изоҳлаб бориш имконияти ҳам мавжуд.

Диссертациянинг **“Ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари таҳлили”** номли учинчи бобда ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган методик тизимни баҳолаш учун тажриба-синов ишини ташкил этиш ва уни ўтказиш ҳамда тажриба-синовда эришилган натижаларни математик статистик методлар асосида таҳлил қилиш вазифаси қўйилган.

Педагогик тажриба – синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказишнинг асосий шартлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- таълимий, умумилмий ва методик компетенцияларни такомиллаштириш методикасининг мазмунини танлаш;
- таълимий, умумилмий ва методик компетенцияларни такомиллаштириш асосида педагогда ахборот–коммуникация компетентлигини ривожлантириш шакли ва йўллари ишлаб чиқиш;

- умумилмий ва методик компетенцияларга таянган ҳолда кимёвий жараёнларнинг имитацион моделларини яратиш ва уни амалиётга татбиқ этиш ҳамда унинг таълимдаги самарадорлигини тажриба–синов орқали аниқлаш;

- ўқитувчиларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини шаклланганлик даражасини баҳолаш.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш учун Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази (ТВХТХҚТМОҲМ), Хоразм вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази (ХВХТХҚТМОҲМ) ҳамда Жиззах вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази (ЖВХТХҚТМОҲМ) танланиб, улардан жами 370 та тингловчи жалб қилинган.

Тажриба-синов ишлари уч босқичдан иборат қилиб белгиланиб, ҳар бир босқич учун мақсад ва вазифалар белгилаб олинди. Тажриба-синовнинг биринчи-шакллантирувчи босқичида (2015-2016 йй.) “Малака ошириш тизимида ўқитувчиларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитларини ойдинлаштириш” вазифаси қўйилди. Тадқиқотнинг шакллантирувчи назарий тайёргарлик босқичида мавзуга оид, яъни таълимий, умумилмий ва методик компетенцияларни такомиллаштириш методикаси бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг педагогик тажрибалари ўрганилди ва умумлаштирилди. Биринчи босқич якунида Тошкент вилояти ХТХҚТМОҲМ нинг тингловчилари билан суҳбат, тест-сўровнома, тренинг машғулотлар асосида ўқитувчида касбий фаолиятига оид ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари бўйича мониторинг ўтказилди.

Тажриба-синовнинг иккинчи изланиш босқичида (2016-2017 йй.) ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштиришнинг моделини яратиш ва тадқиқот предметида кўра тадқиқот усулларини танлаш вазифаси қўйилди. Изланиш босқичида (Тошкент вилояти ХТХҚТМОҲМ ва Жиззах вилояти ХТХҚТМОҲМ) олиб борилган тадқиқот иши “Кимё фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси” номли методик қўлланманинг яратилишига асос бўлди. Кимё ўқитувчиларида таълимий, умумилмий ва методик компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш усуллари сифатида сўровномалар, ижодий турдаги тест, амалий турдаги топшириқлар ва кимёвий тажрибалар белгиланди ҳамда педагогда компетенциялар шаклланганлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Педагогда методик компетенциянинг шаклланганлиги куйидаги мезонга кўра белгиланилди: *билимли* (ўз мутахассислиги бўйича предмети яхши билиши, иш фаолиятида касбий меъёрий ҳужжатларни юқори савияда юритиш), *фаолиятли* (ўз ишига оид тўғри қарор чиқариш, ахборот–коммуникатив технологиялар ва воситалари билан ишлай олиш, *рефлексив* (ўзининг педагогик фаолиятига ва таълим жараёнида эришилган натижалар асосида хулоса чиқариш), *шахсий сифатлар* (ўзидаги қизиқиш, қобилият, шахсий қарашлар, ўзини бошқариш) 1- жадвалда келтирилган.

**Педагогга методик компетенциянинг шаклланганлигини баҳолаш
мезони**

Тингловчилар	Билимли	Фаолиятли	Рефлексив	Шахсий сифатлар	Даража
1-тингловчида	+	-	-	-	Қуйи
2-тингловчида	+	+	-	-	Ўрта
3-тингловчида	+	+	+	-	Яхши
4-тингловчида	+	+	+	+	Юқори
...					

Педагогларда умумилмий компетенциянинг шаклланганлиги қуйидаги мезонларга кўра белгиланди: янги билимларни ўзлаштириш; натижаларни тасаввур қилиш учун фаразни қўйиш; олинган натижаларни тушунтириш ва уни баҳолаш; оптимал йўлларни танлаш орқали муаммо ечимини топиш ва уни ҳал этиш (2-жадвал).

2-жадвал

**Педагогга умумилмий компетенциянинг шаклланганлигини баҳолаш
мезони**

Тингловчилар	Янги билимларни ўзлаштириш	Натижани тасаввур қилишда фаразни қўйиш	Олинган натижани тушунтириш ва уни баҳолай олиш	Оптимал йўлларни танлаш орқали муаммо ечимини топиш	Даража
1-тингловчида	+	-	-	-	Қуйи
2-тингловчида	+	+	-	-	Ўрта
3-тингловчида	+	+	+	-	Яхши
4-тингловчида	+	+	+	+	Юқори
...					


Тадқиқот ишининг учинчи босқичида (2018-2019йй.) ривожлантирувчи тажриба–синов ишлари ўтказилиб, бунда Тошкент вилояти ХТХҚТМОҲМ, Жиззах вилояти ХТХҚТМОҲМ ва Хоразм вилояти ХТХҚТМОҲМдан 300 та педагог қатнашди. Олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари χ^2 – математик-статистика методидан фойдаланиб, таҳлил қилинди ва умумлаштирилди (3-жадвал).

3-жадвал

**Тажриба ва назорат гуруҳларининг мутахассислиги бўйича
ўзлаштириш кўрсаткичи**

№	Таълим муассасалари	Гуруҳлар	Сони	χ^2	$T_{кр}$	Ўртача қиймат	Самарадорлик коэффициенти	Хулоса
1.	Хоразм вилояти ХТХҚТМОҲМ	Тажриба	50	8,62	7,81	3,62	1,15	Н ₁
		Нazorat	50			3,16		
2.	Жиззах вилояти ХТХҚТМОҲМ	Тажриба	50	7,99	7,81	3,42	1,13	Н ₁
		Нazorat	50			3,02		
3.	Тошкент вилояти ХТХҚТМОҲМ	Тажриба	50	8,66	7,81	3,5	1,14	Н ₁
		Нazorat	50			3,06		

Демак, барча таълим муассасаларида $T_{кузатув} > T_{кр}=7,81$ бўлгани учун H_1 гипотеза қабул қилинади ва унинг самарадорлиги ўртача 1,14 баробарга, яъни 14 % га юқори эканлигини кўрсатди. Тажриба ва назорат гуруҳи натижалари диаграмма кўринишида 3-расмда келтирилган.



3-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларининг мутахассислиги бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи диаграммаси

Педагогик эксперимент асосида тадқиқотнинг ишонарли эканлигини тасдиқлаш ва илмий хулоса қилиш учун юқоридаги натижалар етарли бўлади ($T_{кр} < T_{куз}$). Бу, ўз навбатида, тадқиқотларимизнинг самарадорлиги ва тавсияларимизнинг педагогик нуқтаи назардан ишончлилигини тасдиқлайди.

Педагогик эксперимент натижалари таълимий, методик ва умумилмий компетенцияларни такомиллаштириш асосида тингловчиларнинг назарий билим, амалий кўникма ва малакаларини ривожлантиришнинг мазмуни ва сифатига самарали таъсир этиши ҳамда ўқитишнинг тарбиявий тамойилини кучайтириши тўғрисида хулоса қилишимизга илмий асос борлигини кўрсатди.

ХУЛОСА

«Малака ошириш тизимида кимё ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини такомиллаштириш» мавзусида олиб борилган илмий-методик тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Ўқув муассасаларида фаолият олиб бораётган педагог ходимларга таълим жараёнида замонавий педагогик таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қўйилган (замонавийлик, ахборотлилик, компетенциявий) талаблар асосида педагогларда компетенцияларни ривожлантиришнинг педагогик-психологик шароитлари аниқлаштирилган. Булар: ўқитувчиларнинг касбий фаолиятига бевосита алоқадор бўлган (таълимий, методик, умумилмий каби) компетенцияларни ривожлантириш жараёнини илмий асосланган ҳолда ташкил этиш; объект ва субъект ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик; маълумотлар билан ишлашда субъектда фаолликни ошириш;

ўқитувчида ахборот муҳитидан маълумотларни олишга бўлган муносабатни фаоллаштириш (мотивация бериш).

2. Кимёвий экспериментни ташкил этишда компьютер имкониятларидан фойдаланиб лаборатория ишлари ўтказишнинг имитацион моделларини яратишда педагогда умумилмий ва методик компетенция (когнитив, креатив, методик, коммуникатив каби) сифатларининг шакллантириш зарурияти асосланган.

3. Малака ошириш жараёнида таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қўйилган замонавийлик, ахборотлилик, компетенциявий ёндашув асосида педагогларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетентлигини ривожлантириш муҳим педагогик-психологик жиҳатлар эканлиги аниқланган.

4. Малака ошириш жараёнида тингловчиларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг дидактик (тизимлилик, илмийлик, кўргазмалилик, назария ва амалиёт ўртасидаги алоқадорлик) тамойили асосида педагогда фасилитатор, тьютор, медиапедагог каби сифатларни шакллантириш имкониятлари тадқиқ қилинган.

5. Таълимий, методик ва умумилмий компетенцияларни такомиллаштириш асосида тингловчиларда назарий билим, амалий кўникма ва малакаларини ривожлантириш мониторинги натижалари, педагогик эксперимент натижаларига кўра, тажриба гуруҳларида назорат гуруҳларига нисбатан юқори эканлиги χ^2 мезони асосида исботланган.

Таклиф ва тавсиялар

1. Тадқиқотнинг илмий хулосаларига таянган ҳолда малака ошириш тизимида кимё ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланишда электрон ахборот таълим ресурслари имкониятларидан самарали ва кенгроқ фойдаланиш имкониятларини ошириш (АКТ бўйича соатларини ошириш).

2. Малака ошириш жараёнида тингловчиларда медиапедагог сифатларини шакллантириш бўйича тренинг машғулотларини ташкил этиш.

3. Малака ошириш жараёнига мутахассислик модули асосида яратилган электрон қўлланмаларнинг аҳамиятлилик даражаси юқори эканлигини инобатга олиб, ўқитувчиларнинг касбий фаолияти давомида педагогик дастурий воситалардан самарали фойдаланишини янада ошириш.

4. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган моделдан бошқа фан ўқитувчилари ҳам ўз касбий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНОЙ
СТЕПЕНИ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ
РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

САРИМОВА ДИЛДОРА СОАТАЛИЕВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОМПЕТЕНЦИЙ УЧИТЕЛЕЙ ХИМИИ ПО
ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ В СИСТЕМЕ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (химия)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Ped1671

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме) размещен на веб-странице Научного Совета (www.uzicps.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна,
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Элмурадов Бурхон Жураевич
доктор химических наук, профессор

Суяров Кушарбай Ташбаевич
доктор философии (PhD) по педагогическим наукам, и.о. доцент

Ведущая организация:

Национальный Университет Узбекистана

Защита диссертации состоится _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Разового научного совета по присуждению ученых степеней на основе Научного совета DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 при Институте химии растительных веществ. Адрес: 100170, город Ташкент, улица Мирзо Улугбека, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии растительных веществ (зарегистрирована под № _____). Адрес: 100170, город Ташкент, улица Мирзо Улугбека, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 г.
(Реестр протокола рассылки № _____ 2021 г.)

Ш.Ш.Сагдуллаев

Председатель Разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.К. Хидирова,

Учёный секретарь Разового Научного Совета по присуждению ученых степеней, к.х.н., старший научный сотрудник

Д.Т. Асилбекова,

Заместитель Председателя Разового Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.х.н., старший научный сотрудник

Введение **(аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом масштабе особое внимание уделяется обучению молодежи, в частности, расширению педагогических возможностей преподавания точных и естественных наук, обогащению практически-реализационного содержания системы образования, развитию профессиональных компетенций в обучении учеников. Требования международных программ социальной и студенческой грамотности, таких как PISA, TIMSS, требуют новых подходов к методам обучения, основанных на использовании информации и коммуникации, что определяет важность развития у учителей компетентности в использовании информационно-коммуникационных технологий в преподавании естественных наук.

Система международного сообщества оценки социальной и студенческой грамотности в преподавании естественных наук в образовательных учреждениях соответствует требованиям, приоритет отдается творческому подходу для обеспечения логического развития студентов, то есть требует развития научного мышления, логической последовательности и согласованности. В частности, считается актуальным эффективное использование информационных и коммуникационных технологий в повышении профессиональной компетентности учителей химии, совершенствование содержания и качества их квалификации на основе современных интеграций, разработка технологий совершенствования периодической и непрерывной методической подготовки учителей химии.

В целях обеспечения устойчивого развития системы образования в стране «... качественное обновление содержания системы непрерывного образования, а также подготовка, переподготовка и повышение квалификации специалистов, внедрение современных информационно-коммуникационных технологий и инновационных проектов в народное образование»¹, принятие Закона Республики Узбекистан «Об образовании» можно рассматривать как позитивную реформу системы образования², принятие постановления «О введении общегосударственной тестовой системы для оценки уровня знаний общеобразовательных предметов»³ можно рассматривать как позитивную реформу системы образования. Также приоритетной задачей является повышение интеллектуального и духовного потенциала граждан, живущих в этом обществе.

Данное диссертационное исследование в определенной мере послужит решению задач, поставленных в таких основных документах, как: Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»⁴,

¹Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. ПФ-5712-сон 29.04.2019. <https://lex.uz/docs/4312785>.

²Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонуни (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон).

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.10.2020 йилдаги 646-сонли “Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz/docs/5044726>

⁴ Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. ПФ-4947-сон 07.02.2017. <https://lex.uz/docs/3107036>.

Постановление Президента Республики Узбекистан от 26 сентября 2017 года № ПП-3289 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы подготовки педагогических кадров, переподготовки и повышения квалификации работников народного образования»⁵, Постановление Президента Республики Узбекистан от 12 августа 2020 года № ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология»⁶ и в других нормативно-правовых актах в данной сфере по совершенствованию учебного процесса.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики ИТД-I «Духовно – нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы.

Зарубежным ученым F.Amiri обосновано эффективное использование педагогических программ преподавателями, а Z.Tatli и A.Ayas, S.Goodman, R.Kozma, M.K.Clemence, L.Henderson, J.Klemes, Y. Eshet, S.Hennessy, K.Ruthven, S. Brindley, J.Huppert, S.M.Lomask, R.Lazarowitz изучили высокую значимость внедрения электронных учебных пособий, созданных на основе научного модуля в учебном процессе.

В странах СНГ исследованиями научно-методических проблем, связанных с организационно-техническим совершенствованием школьных химических опытов, развитием информационной компетентности учителей в контексте повышения квалификации занимались такие ученые, как: Т.Н. Лукина, А.М. Иванов, А.А.Темирбекова, Т.П. Третьякова, Т.Я. Базаржапова, А.Л. Миллер, М.А.Горюнова.

В научно-исследовательских работах А.Азимова, Х.Амонова рассмотрены вопросы изучения организационных, методических и педагогических условий развития системы образования в республике, методы развития профессиональных навыков учителей химии, в работах таких ученых, как: Ж.Г.Юлдашев, А.А.Аминов, З.А.Артикбаева, Ш.К.Мардонов, А.А.Гулбоева, К.Зарипова, М.Т.Джуманиязова, А.А.Абдукодиров, У.Ш.Бегимкулов, Г.С.Эргашева, Т.Л.Зайлобов, Р.Ш.Ахлидинов проанализированы практические аспекты проблемы совершенствования процесса повышения квалификации учителей, социально-педагогические требования к организации процесса профессиональной переподготовки учителей, организационно-педагогические и методические условия процесса повышения квалификации, рассмотрение технических средств обучения в образовательных учреждениях и эффективности использования ИКТ в системе образования. Х.О.Жураев, И.А.Эшматов и другие

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги. ПҚ-3289-сон қарори 26.09.2017. <https://lex.uz/docs/3357530>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ошириш ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805-сон қарори 12.08.2020. <https://lex.uz/ru/docs/4945470>.

изучали роль информационных и коммуникационных технологий в обучении учителей, важные аспекты информационной и коммуникативной компетенции в повышении профессиональных навыков учителей.

Анализируя научную литературу и из необходимости совершенствования содержания образования сегодня и грамотного подхода к его обучению, использование информационно-коммуникационных технологий учителями химии в системе повышения квалификации как педагогическая проблема не изучалось.

